



БУГУННИНГ ГАПИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ, ДУНЁДА ЭСА ЕТТИНЧИ

Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни қай даражада қўлламоқда?

Яқинда Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги ваколатхонаси сайтыда Ўзбекистонда сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган мақола эълон қилинди. Унда келтирилишича, Марказий Осиёда сувнинг 80 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ишлатилади.

▶ Давоми 4-бетда



ХАЖ-2023

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ ЭТИЛГАН



Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада улкан ислохотлар кечмоқда. Хусусан, давлатимизнинг бевосита кўмаги билан юртдошларимизнинг ҳаж ибодатларини ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ташкил этиш, улар учун муносиб қўлайликларни яратиб бериш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

Бундан атиги олти-етти йил аввал ҳаж квотаси 5200 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 7200 та, 2022 йилда эса 12 000 тага етди. Жорий йилда мамлакатимиз фуқаролари учун умумий ҳаж квотаси 15 000 этиб белгиланди. Албатта, ҳаж квотасининг йилдан-йилга ошиби бориши ҳам юртимизда диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами нақадар кенглигидан дарак беради. Энг муҳими, халқимиз бу каби ўзгаришларни қатта хурсандлик ва қувонч билан қабул қилмоқда. Ҳар бир мўмин-мусулмон борки, Аллоҳнинг байтини умрида бир бор бўлса-да, тавоф қилишни, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак Равзаи

шарифларини зиёрат этишни орзу қилади. Чунки бу муқаддас заминларда Қуръони карим оятлари нозил бўлган, ислом тарихига оид кўплаб воқеа-ҳодисалар юз берган ва савобли амалларнинг ажру мукофоти бир неча баравар кўпайтириб берилади. Шу билан бирга, Каъбатуллоҳда ибодат қилишнинг, Набий алайҳиссаломнинг масжидларида намоз ўқишнинг савоби жуда улуг. Масжидул Ҳарамда бир ракат намозга юз минг ракат, Масжиди Набавийда эса минг ракат намознинг савоби берилади. Бундай улкан имкониятга эришишга барчанинг талпиниши табиий ҳол.

▶ Давоми 5-бетда

ЭХТИРОМ

Қариси бор уй

кўнгил тортар шодлик маскани, тарбия ўчоғи

Пойтахтимиз марказида сўлим, баҳаво, файзли бир маскан бор. Ҳовлига киришингиз билан табиатнинг не-не синовларидан омон ўтган қадим чинорлар, кўҳна туларга кўзингиз тушади. Ям-яшил майсазор бўйлаб бетакрор ўймакорлик санъатини намойиш этиб турган миллий шийпон-сўрилар, гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар салобатли сокинлик рамзидай кўнглингизга ажиб хотиржамлик бахш этади.

▶ Давоми 5-бетда

КУН МАВЗУСИ

ЗАМОНАВИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ТАФАККУРИ, ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ ВА ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИНИ НАМОЁН ҚИЛАДИ

Сайлов демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, у орқали мамлакатнинг тараққиёти ва истиқболи намоён бўлади. Сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишининг асосий шакли ҳамдир. Ўз навбатида, сайловда қатнашиш асносида фуқаролик позициясини илгари суриш халқимизнинг юксалиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва электорал маданиятини кўрсатиб беради.

▶ Давоми 2-бетда

МАВСУМ

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛАР ДОН Ўртамчўлда халла ҳосили мўл

Айни вақтда юртимизда ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсуми бошланди. Албатта, яхши ҳосил олиш учун қатта меҳнат, далада ишни оқилона ташкил этиш каби кўплаб омиллар талаб этилади. Жумладан, Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида ғалла етиштиришнинг ўзига яраша қийинчилиги ва машаққати бор.



▶ Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ЗАМОНАВИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ТАФАККУРИ, ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ ВА ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИНИ НАМОЁН ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш, сайлов ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Миллий сайлов қонунчилиги кодификациялаштирилишининг аҳамияти

Миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳати сайлов жараёнларига оид барча нормалар кодификациялаштирилганида намоён бўлади. Хусусан, Сайлов кодекси сайлов ҳуқуқига оид ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий кафолатлар тизимини мустаҳкамлаш билан бирга, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи шарт-шароит ва механизмларни яратишга оид ҳуқуқий нормаларни ўзига акс эттиради.

Кодекс қабул қилинган, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётда айрим бўлиш ва ечимини кутаётган муаммолар ҳамда турли ноангилик ва оворагарчиликлар барҳам топганини нафқат миллий сайлов амалиётчилари, балки халқроқроқ экспертлар ҳам кенг эътироф этди.

Халқроқроқ сайлов стандартларига мос, пухта, ихчам ва яхлит шаклда қабул қилинган бундай мукаммал Сайлов кодексидан шу пайтгача миллий сайлов тизимимизда бўлмаган ўнлаб янги норма ва қоида жой олди, амалдаги айрим бюрократик тартиб-қоидалар бекор қилинди.

Ҳар бир сайловчи — эътиборда

Сайлов жараёнида суиистеъмолчилик, таниш-билишчилик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида участка сайлов комиссияси аъзоларининг яримдан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Лекин шифохоналар, дам олиш уйлари, ҳарбий қисмлар, чет эллардаги дипломатик ваколатхоналар каби муассасаларда, уларнинг қатъий ички тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, сайлов участкаси аъзоларини бундай тартибда тузиш қийинлиги амалиётда муаммоларни келтириб чиқарар эди.

Бундан ташқари, Сайлов кодекси имконияти чекланган шахсларнинг овоз бериш йўли билан



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча механизмларни ўзига мослаштириш зарур. Яъни сайлов кунни овоз бериш биноларидаги технологик жиҳозлар — жадваллар, кабина ва овоз бериш кутилари ноғиронлар аравачасидан фойдаланувчилар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши лозимлиги мустаҳкамланди.

Бу, ўз навбатида, замонавий сайлов қонунчилигининг муҳим жиҳати кўринишида жамиятимиз аъзоси сифатида ноғиронлиги бўлган фуқароларимиз ҳам бошқалар билан тенг равишда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали самарали ва ҳар тарафлама иштирок этиши, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлайди.

Сайлов қонунчилигимизда ҳар бир сайловчининг ҳуқуқ ва эркинликлари инобатга олингани — жараёнларда сиёсий ҳуқуққа эга ҳар бир шахс ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч тўсқинликсиз амалга оширишининг муҳим кафолатларидан бири.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати

Сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик, ошқоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, демократик сайлов талабларига мувофиқ ўтишини таъминлаш замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда жараёнларни рақамлаштириш масаласига боғлиқ. Жумладан, Сайлов кодексига сайловчиларнинг рўйхати электрон тарзда тузилиши белгилаб қўйилган. Мазкур электрон рўйхатни тузиш, унга ўзгаришлар киритиш ва янгилаб туриш сайлов жараёни бошқариш ахборот тизими ёрдамида амалга оширилади.

Айнан сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини янада такомиллаштириш орқали фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойи, ҳудудлар, кўчалар, уйлари ва хонадонлар номи ҳамда рақамининг электрон шаклда

аниқ-равшан белгиланишига имкон яратилади. Бу шунчаки сайловчилар ҳақидаги маълумотлар базаси эмас, балки сайловнинг тенглик принципини таъминлашга хизмат қиладиган восита ҳамдир. Чунки мазкур ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати орқали фуқароларнинг фақат бир мартаба овоз берганини назоратга олиш имконияти мавжуд бўлади.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати барча сайлов участкалари кесимида тегишли участка комиссияларига онлайн тарзда етказилади. Шундай бўлса-да, ҳар бир участка сайлов комиссияси участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан рўйхатга аниқлик киритади.

Қонунга мувофиқ, сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини олдиндан тулган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қиладиган фуқароларнинг исми-шарифи сайловчилар рўйхатига киритилди. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Бундай тизим ўрнатилмасидан аввал бир сайловчининг ҳам доимий рўйхатда, ҳам вақтинча рўйхатда турган жойидан туриб овоз бериш ҳолатлари натижасида фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи, яъни сайловда битта овозга эга экани тамойилнинг бузилиш ҳолатлари кузатилиши мумкин эди. Шу асосда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи принципини рўёбга чиқариб, фуқароларимизга давлат бошқарувида сайловлар орқали иштирок этишдек сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланишда аниқлик ва қулайликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг замонавий сайлов қонунчилиги умумэтироф этилган халқроқроқ стандартларга, эркин ва адолатли сайлов мезонларига мувофиқ келади. Шунингдек, мамлакатимиз сайлов тизими ҳуқуқий асослари миллий кадриятларимизга таянган ҳолда халқроқроқ тамойиллар, илгор хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш ҳамда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилган сайловлар тажрибасининг таҳлилий натижасида тадрижий такомиллаштириб борилмоқда.

Фарангиз АВАЗБЕКОВА, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Марказий Осиё тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади

Бошланиши 1-бетда

ИСРСЕА Хитойнинг етакчи таҳлил марказларидан бири бўлиб, ички ва ташқи сиёсат бўйича давлат сиёсатини шакллантиришга фаол ҳисса қўшмоқда.

Тадбирда Хитойнинг етакчи илмий-тадқиқот тузилмалари — Хитой замонавий халқроқроқ муносабатлар академияси ҳамда Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти раҳбар ҳамда тадқиқотчилари иштирок этди.

Халқроқроқ муносабатлар соҳасидаги таниқли хитойлик олим, ИСРСЕА директори Ли ЮНЦЮАНЬ



Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг натижалари яққол кўзга ташланмоқда, дея таъкидлади.

— Биз янги Ўзбекистоннинг кенг қамровли курилишини қуряпмиз. Бугун юртингиздаги ҳар бир фуқаро ўзгаришларни хис қилмоқда, айниқса, ёшлар келажакка катта умид билан қараяпти, — деди у. — Ўзбекистон Конституциясини янгилаш бўйича референдумда халқроқроқ кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, шундай хулосага келдим.

17 та сайлов участкасида бўлишга муваффақ бўлдим. Ўзбекистон халқи овоз беришда қандай фаол иштирок этганини, амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаганини шахсан ўзим кўрдим.

Дин Сяосиннинг айтишича, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ички ислохотлар мамлакат ташқи сиёсатида ҳам фаол ўз ифодасини топмоқда. Давра суҳбати иштирокчилари жорий йилнинг май ойида Сиань шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Хитой музокаралари якунларига ҳам тўхталдилар.

Хитой ижтимоий фанлар академияси Россия, Марказий Осиё ва Шарқий Европа институти етакчи эксперти Ли ЖУЙСИ



таъкидлаганидир, Ўзбекистон — Хитой олий даражадаги музокаралари якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлайди. Булар, хусусан, сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва иқтисодий, молия ва технология, энергетика ва транспорт соҳаларидир.

Шу нуктага назардан, хитойлик тадқиқотчи "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли қурилиши лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Унинг айтишича, ушбу йўлакнинг ишга тушири-

лиши муҳим воқеа бўлиб, Хитой ва Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлайди шубҳасиз.

Шу билан бирга, Ли Жуйси маданий-гуманитар соҳада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини таъкидлади. Айниқса, Сиань шаҳрида ўтказилган "Марказий Осиё — Хитой" саммити доирасида "Марказий Осиё — Хитой халқлари маданияти ва санъати йили"га старт берилгани бунинг ёрқин далилидир.

"Дунё" АА Пекин

МАВСУМ

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛАР ДОН

Бошланиши 1-бетда

Ўз меҳнатларининг самараси ўлароқ, Қизилтепа туманининг Уртачўл ҳудудида ҳар йили ғалла ўрми биринчилардан бўлиб бошланади. Омилкор фермерлар ўз вақтида зарур чоралар кўргани, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдалангани натижасида бу йил ҳам ҳудудда мўл ҳосил етиштирилди.

Ғаллани йиғиб олиш ишлари "Эп-юрт хурмати" ордени соҳибаси, тажрибали деҳқон Раёно Валиева раҳбарлигидаги "Валиобод" фермер ҳўжалиги дала-ларидан бошланди. Айтиш жоиз, ушбу фермер ҳўжалиги нафақат туман ва вилоятда, балки республикада ҳам илгор ҳўжалиқлардан бири саналади. Ҳар йили ғалла ва пахтачиликда биринчилардан бўлиб белгиланган режани ортиғи билан бажаради.

Бу йил ҳам ғалла ҳосилдорлиги ёмон эмас. Фермер ерга донни қадагач, умид билан ерга, кўкча боқади. Ҳар қандай шароит бўлмасин, қишни қиш, баҳорни баҳор демай, об-ҳаво инжиқликларига қарамай тиним билмайди. Елиб-юғурди, меҳнат қилади. Эртанги ҳосил, кўти-лаётган даромад, ризқ-насиба ана шу меҳнатга, елиб-юғуришга, ўз вақтида қилинган агротехник чора-тадбирларга боғлиқ, "Қимирлаган қир ошар", деган ибратли ҳикमत бор. Деҳқон ҳаракатда бўлса



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

рўзғориде барака, дастурхониде тўкин-чилик, юрдаде эса фаровонлик бўлади. — Ун йил механизаторлик қилганман. Қишлоқ ҳўжалиги илмини, деҳқончилик

сирларини ҳам ўргандим. Ҳозирда фермерлар учун барча имкониятлар яратилган. Фақат бундан унумли фойдаланиб, меҳнат қилишимиз лозим. Фермер

ҳўжалигимиз ер майдон 150 гектардан зиёд. Пахта ва ғалладан олинаётган ҳосилни ҳар йили ошириб боришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди тажрибали фермер Раёно Валиева.

Албатта, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилган тўб ислохотлар самарасида ерга ишлов бериш ривожланди, фермерлик ҳаракати кенг йўл очилди, деҳқонларнинг дунёқарши, ерга муносабати ўзгарди. Бугун фермерлар ўзини ернинг ҳақиқий эгаси, деб ҳис қилади. Қанча кўп меҳнат қилса, мўл ҳосил етиштириб, бундан аввало, ўзи манфаат қўришини яхши билади. Бу уларнинг янада ғайрат ва масъулият билан ишлашга, ҳосилдорликни изчил оширишга ундамоқда.

Бу йил Уртачўл ҳудудида 83 та фермер ҳўжалигининг 3 минг 534 гектар майдонига ғалла экилган. Бир вақтлар 20-25 центнер ғалла юқори кўрсаткич саналган бўлса, энди бу ерда 70-80 центнердан дон етиштириш одатий ҳолга айланди. — Вилоятимизда 2023 йил ҳосили учун 38 минг гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, уни йиғиб-териб олиш учун 100 га яқин отряд ташкил этилди.

Комбайн ва бошқа техника воситалари шай ҳолатда. Мавсум якунигача 288 минг тонна ғалла ҳосилини йиғиштириб олишни режалаштирганмиз. Шундан 95 минг тоннаси давлат эҳтиёжи, 39 минг тоннаси биржа савдолари, 10 минг тоннаси уруғлик учун ажратилади, — дейди Навоий вилояти қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Суннат Худойназаров.

Ҳар йили вилоятда мавсумда қисқа фурсатларда ғаллани нобудгарчиликсиз йиғиб олиш, уни сотишда янги тизим шифофлиғи, фермер ҳўжалиқлари, ғаллачилик кластерлари манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нарҳининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Ризқ-рўзимиз бўлган бугунги исроф қилмасдан йиғиштириб олишда далада меҳнат қиладиган деҳқонлар, фермерлар, комбайнчилар ва бу жараёнда масъул бошқа мутасаддиларнинг фидойилиги таҳсинга лойиқ. Зеро, уларнинг бугунги машаққатли меҳнати эртанги фаровон турмушимиз ва дастурхонимиз тўқинлигини таъминлайди.

Ҳосил машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилади. Бунинг учун ғаллакор бир зум бўлса-да, тиним билмайди. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ерни шудгорлайди, тайёрлайди, дон униб чиққач суғоради, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиради, турли ҳашарот ва касалликларга қарши агротехник тадбирларни амалга оширади. Ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш эса алоҳида масъулият талаб этади.

— Қизилтепа туманидаги ғалла майдонларига ушбу мавсумда 30 дан зиёд комбайн брикитрилди. Ушбу техникалар зулқундси ишлаши учун тўлиқ техник кўриқдан ўтказилиб, камчиликлар бартараф этилди. Мавсум бошлангандан буюн ҳар кунни техник назорат ишлари ҳам олиб борилмоқда, — дейди "Ўзгагроинспекция" Қизилтепа тумани бўлими инспектори Олимжон Атауллаев.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда деҳқон меҳнатидаги кўрсатилмаётган рағбат, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши оддий инсонларнинг орзу-интилишларини юзага чиқариб, эл фаровонлиғида ўз аксини топиб бормоқда.

Муҳими, бугун ер ўзининг муносиб эгасини топган. Ҳосилдорлик ҳисобига манфаатдорлик ҳам ортди. Меҳнати эвазига даромади ортаётган миришкорларимиз аини кунларда етиштирилган ҳосилни охиригача нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш билан банд.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

BUGUNNING GAPI

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ,
ДУНЁДА ЭСА ЕТТИНЧИЎзбекистон сув тежовчи технологияларни
қай даражада қўлламоқда?

Дилшод УЛУГМУРОДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

БМТнинг Бутунжаҳон чўлланиш ва қургоччиликка қарши кураш бўйича баёнотига кўра, 2050 йилга келиб қургоччилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилади. Жаҳон табиий ресурслар институти ва Британиянинг "Economist Intelligence Unit" ташкилоти тадқиқотларига кўра эса, 2040 йилга бориб сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор. Ўзбекистон Республикасининг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувлари. Орол денгизи ҳавзасидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 миллиард метр кубни ташкил этади, шундан 67,4 фоизи Амударё ҳавзасида ва 32,6 фоизи Сирдарё ҳавзасида шаклланади.

Минтақада сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, қор ва ёмғирлар кам бўлаётгани, музликлар ва йирик дарёлар ҳавзаларида, кичик дарё ҳамда сойларда сув сарфининг камайиб бораётгани натижасида охириги 30 йилда аҳоли жон бошига сув таъминоти 3 минг 48 метр кубдан 1 минг 438 метр кубга ёки 53 фоизга қисқарган.

Сугориладиган экин майдонларини сув билан таъминлаш учун ҳар бир экиннинг сугориш меъёрларига кўра, талаб этиладиган республика бўйича йиллик сув ҳажми 54,4 миллиард метр куб бўлиб, 2030 йилда мавжуд сув миқдори 47,4 миллиард метр кубни ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинган. Талабга нисбатан етишмайдиган сувнинг 7 миллиард метр куб қисмини сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш (3 миллиард метр куб), ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш (2,2 миллиард метр куб), сув ҳўжалигини рақамлаштириш (0,6 миллиард метр куб), экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳамда сувсизликка чидамли экинлар улущини кўпайтириш (2,2 миллиард метр куб) ҳисобига қоплаш имконияти мавжуд.

Бугунги кунда республикада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бунда Туркия, Испания, Япония ва Хитой каби хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлашда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белги-ланган.

2018 йилгача республика бўйича сув тежовчи технологиялар жорий

этилган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1 миллион гектарга етган, бу жами сугориладиган майдонларнинг 27 фоизини ташкил этади.

Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар ҳисоби бўйича Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёда биринчи, дунёда эса еттинчи ўринда турибди.

Тахлилларга кўра, 2025 йилга бориб республикамиз бўйича 2 миллион гектарда ёки жами сугориладиган ерларнинг 54 фоизидан сув тежовчи технологиялар жорий этилади. Бундай натижаларга эришишда кўп жиҳатдан Ўзбекистонда мавжуд сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан тизимли чоралар қўрилаётгани сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2019 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий этишни субсидиялаш ҳамда имтиёз ва преференциялар бериш йўлга қўйилиб, 2019-2022 йилларда сув тежовчи технологияларни жорий қилган қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига жами 1 триллион 465 миллиард сўм субсидия ажратилган.

Бундан ташқари, республикада суви тежайдиган сугориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилгача бор-йўғи 3 та корхона фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда улар сони 50 тага етган. Ушбу технологиялар жорий қилинган майдонларда сув 50 фоизгача, минерал ўғитлар 30 фоизгача, ёнилғи-мойлаш материаллари 35 фоизгача, иш ҳақи 25 фоизгача камайиши баробарида, ҳосилдорлики оширишга ҳам замин яратилди. Жумладан, бундай усулда пахтадан 30 фоизгача кўп ҳосил олиш мумкин.

Ўзига хос тажрибага
эгамиз

Ўзбекистон бу борада ўзига хос тажрибага эга. Юртимизда бу тажриба, аввало, табиий-иқлим шароитимиздан келиб чиқиб тўплангани аниқ. Яъни республикамиз дарёлар бошида эмас, улар қўшни давлатларда бошланиб, юртимиз ҳудудидан оқиб ўтади.

Мақолада ана шу тажрибага ургу берилиб, Ўзбекистонда суви тежай ва ундан самарали фойдаланишга қўри даражада эътибор қаратилаётгани натижасида қисқа фурсат ичида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани қайд этилади.

Чиндан ҳам, рақамлар, далиллар, қилинган ишлар шундан далолат беради. Сувчию томорқачи, фермеру кластер раҳбари бугун суви бехудага оқиб қўйдан пайт эмаслигини, аллақачон англаб етган. Унинг ҳар томчиси кадрли эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бинобарин, мамлакатимиз сув ҳўжалиги соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, савъ-ҳаракатлар шунга қаратилган.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, агар 2018 йилгача республика бўйича суви тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1 миллион гектарга етди.

Жумладан, 2021-2023 йиллар давомида республика бўйича жами 361,1 минг гектарда томчилатиб, 39,1 минг

гектарда ёмғирлатиб, 11,8 минг гектарда дискрет сугориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 563,1 минг гектар майдон лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

Шу билан бирга, 10,9 минг гектарда эгилувчан қувурлар, 14 минг гектарда эгтага плёнка тўшаб сугориш ишлари амалга оширилган. Бу эса ер эгаларига бир қатор енгиллик ва қўлайликлар бермоқда. Улар тежай даромад олишга ўз фаолияти мисолида гувоҳ бўлмоқда.

Айтилик, Сайхунобод туманидаги "Шомирзабой" фермер ҳўжалиги ҳам 2020-2021 йилларда жами 100 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини қўллаб, ҳосилдорлики 25 центнердан 35 центнерга оширишга эришган бўлса, Каттакўрғон туманидаги "Дил Алишер" фермер ҳўжалиги томонидан 2021 йилда 14 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш орқали ўша йили 44 центнер, 2022 йилда эса 61 центнер ҳосил олишга эришган. Булар — сўнгги йилларда мавжуд сув ресурсларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан тизимли чоралар қўрилаётгани самараси, албатта.

Хусусан, 2019 йилгача сув тежовчи технологияларни жорий қилган қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ҳеч қандай имтиёзлар берилмасди. Бу бўйича тартиб ёки ҳуқуқий асос йўқ эди. 2019 йилдан бошлаб эса бундай технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига эса фақатгина ердан фойдаланувчининг розилиги асосида сарф этилган маблағлар ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилиши белгиланди.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди ҳамда мазкур мақсадлар учун аввал берилган кредитлар ҳам ушбу муддатга қайта расмийлаштирилмоқда. Технологияни жорий қилиш мақсадида олинган кредитларнинг маълум бир қисми тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тўлаб берилади.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 2019 йилда 137,9 миллиард сўм, 2020 йилда 251,6 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилган бўлса, 2021 йилдан бошлаб давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш миқдори технологиянинг сифат кўрсаткичидан келиб чиқиб ҳисобланиш тартиби белгиланди. 2021 йилнинг ўзида 899,4 миллиард сўм субсидия ажратилгани ушбу йўналишдаги ишлар қанчалик оммалашаётганини аниқлади.

Шу билан бирга, 2022 йил март ойида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизми йўлга қўйиш мақсадида "Томчи-реестр" платформаси ишга туширилди. Ҳозир мазкур платформага белгиланган мезонлар асосида пудрат корхоналарининг индикатор кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, мобиль иловада эълон қилиб борилмоқда.



бўйича янги тизим — субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Бугунги кунда сув тежовчи технологияларни жорий қилган тадбиркорларга давлат томонидан бир қатор имтиёзлар тақдим этилган. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига харажатларнинг бир қисмини қоплаш мақсадида томчилатиб сугориш технологиялари жорий қилинган пахта майдонлари учун 8-12 миллион, ёмғирлатиб сугориш технологиялари жорий этилган майдонларга 6-9 миллион, дискретли сугориш технологияси жорий қилинган майдонларга эса 4 миллион сўмгача субсидия ажратилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 10 гектардан кам бўлмаган, суви тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналаридан фойдаланилса, сотиб олиш харажатларининг 50 фоизгача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори ҳамда кўча генераторлар ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 30 фоизгача, бироқ 30 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (367-модда)га асосан, томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган ер майдонлари 5 йил муддатга ер солигидан озод этилган.

Шунингдек, сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонларга сув ҳисоблагич ўрнатилганда сув солигидан 30 фоиз имтиёз қўлланилади.

Сув тежайдиган технологияларни жорий қилган майдонлар 5 йил мубайнида мақбуллаштирилмаслиги, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат

2019 йилгача бизда бу бўйича мутахассислар етарли эмасди. Яъни ушбу йўналиш бўйича бор-йўғи 10 нафардан ортиқ мутахассис фаолият олиб борган бўлса, ҳозиргача тайёрланган мутахассислар сони 1 минг 400 нафарга етди.

"Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетидан "Сув тежамкор сугориш технологиялари" бўйича магистратура мутахассислиги ҳамда "Сув ҳўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш" бакалавр таълим йўналишлари ташкил этилди. Пироваддида, ҳар бир ҳудудда олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар заҳираси яратилди.

2020 йилда Хоразм вилоятида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлса, 2021 йилда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти фаолияти такомиллаштирилиб, институтнинг Қорақалпоғистон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё минтақавий марказлари ташкил этилди.

2018-2022 йилларда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича республикада 50 дан ортиқ тажриба, илмий-тадқиқот полигонлари, кўргазмали участкалари ташкил этилди. Барча ҳудудларда ўтказилган тадқиқотлар асосида турли қишлоқ ҳўжалиги экинларини сув тежовчи технология ёрдамида сугоришнинг меъёрий тавсиялари ишлаб чиқилди.

2027-2030 йилгача бўлган давр учун белгиланган вазифалар кенг қўламли. Жумладан, 2030 йилга қадар республика бўйича сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонларни 3,2 миллион гектарга ёки қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларига нисбатан 100 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун шу уч йил ичида жами 1,3 миллион гектарда сув тежовчи технологиялар қўлланади.

Кўрпачисими, кейинги уч-тўрт йил давомида юртимизда мазкур йўналишдаги ишларга қаратилаётган эътибор ҳам, қўйилган мақсад ҳам, ажратилаётган маблағ ҳам фақат кўрпачисими бўлиши билан қўриқилган. Келгуси ишлар марраси эса бундан-да баланд. Демак, масала жиддий. Унга ҳозирдан аҳамият бермасак, бор имкониятни ишга солимасак, эртага қийналиб қолишимиз мумкин. Сувнинг ҳар томчиси тиллага тенг, деган ибора тобора ҳаётий масалага айланиб бораётгани аниқ ҳақиқатдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда, умуман, минтақада сувга муносабат тубдан ўзгариб, сув тежовчи технологияларни қўллашга қаратилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб, жадаллашиб бораётгани эса келгусида дуч келишимиз мумкин бўлган муаммоларни камайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлidir.

Ускуналар ниманинг
ҳисобига арзон бўлади?

Республикамизда замонавий сугориш ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилгача бор-йўғи 3 та корхона фаолият юритарди ва уларда фақат полиэтилен қувур ҳамда шланглар ишлаб чиқариладди. Бу, табиийки, талабга нисбатан жуда кам. Шу боис, кейинги пайтларда бундай корхоналар сони кўпайтиришга катта эътибор қаратилди. Натижада тармоқ корхоналари сони 50 тага етказилди. Маҳсулот таннархи бошқа давлатдан ташиш харажатларини тежай ҳисобига 15-20 фоизгача пайсиди ёки келтиришга 5-7 миллион сўмга арзонлаштирилди.

Қорақўл туманидаги "Мергентекс", "Қорақўл қумуш қалава" Вобентда "Бухоро агро кластер" ва Оққўрғонда



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ХАЖ-2023

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ ЭТИЛГАН

Бошланиши 1-бетда

Юртимиз зиёратчилари шу йилнинг 4 июндан 19 июнь кунига қадар мамлакатимиздаги 10 та халқаро аэропорт (Тошкент, Наманган, Фаргона, Қарши, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус шаҳарлари) орқали Мадина шаҳрига парвоз қилдилар.

Бир умр Каъбаи муаззама, Равзаи шарифни соғиниб яшаб ўтиб кетган аждодларимизнинг орзулари бу йил 15 минг хожи тимсолида рўёбга чиқмоқда. Бундай буюк шарофат ва бахтга ноил бўлиб турган ҳамюртларимиз одамнинг ҳавасини келтирадиган шароитларда ҳаж сафарини адо этиш учун айти кунларда Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларида бўлиб туришибди.

Мунаввар шаҳар оғушида

Ҳожиларимиз азалий аънаёна мувофиқ дастлаб Мадина шаҳрига келиб, Равзаи шарифни зиёрат қиляпти. Зиёратчиларимиз айти пайтда Мадина шаҳридаги Масжиди Набавийдан 100 метр узоқликда жойлашган 5 юлдузли "Зам-зам Пуллман" меҳмонхонасида истиқомат қилмоқда.

Авалги номи Ясриб бўлган бу шаҳар Расул алайҳиссаломнинг ташрифлари билан нурли ва мунаввар шаҳарга айланган. Масжиди Набавийга кирган одам бу муаззам маскандан чиққиси келмайди: тўйиб-тўйиб ибодат қилишни хоҳлайди. Набий алайҳиссаломнинг бу масжидларида намоз ўқибган, дуолар, зикрлар қилаётган ҳожиларимиз чинакам бахту саодатга эришмоқдалар.

Масжиди Набавий ҳовлисида туриб бу гўзал манзарани кузатишнинг заъки бўлақча: эгниларига Ўзбекистон байроғи рамзи туширилган нимчаларни кийиб олганча ибодатларга шошаётган бўлгуси хожи ота, хожи оналаримиз юз-кўзларидаги қувонч уларнинг нақадар бахтиёр эканидан нишон. Айниқса, Равзаи шарифга кирган киши ўзини ўзгача хис этади. Чунончи, Набий алайҳиссалом муборак ҳадисларида: "Уйим ва минбарим ўртасида жаннат болғаридан бир бог бор", деганлар.



Юртдошларимиз мунаввар шаҳаридаги уч кунлик сафарлари давомида Пайгамбар алайҳиссалом равзаларини зиёрат қилиб, Ухуд тоғи, ислом оламида биринчи қурилган масжид — Кубода бўляптилар. Асосий вақтларини Масжиди Набавийда тоат-ибодат билан ўтказмоқдалар.

Бўлгуси ҳожиларимиз ибодатлардан сўнг жаннатмонанд юртимиз тинч-осуда, халқимиз турмуши бундан-да фаровон бўлишини, бу каби хайрли ишларнинг бошида турганларнинг тан-жони соғ бўлишини Яратгандан чин дилдан сўраб илтижо қилмоқдалар.

Уламоларимиз, ақли илмлар ва элликбошилар зиёратчилар билан доимий суҳбатлар ўтказиб, ибодатларини чиройли адо этишларида яқиндан кўмакчи бўлдилар. Ҳожиларга сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, уларни белгиланган манзилга кечиктирмасдан этказиб

ган кишига кўмак берган, унинг оғирини енгил қилган инсон улуг савобларга ноил бўлиши ҳақида кўплаб далиллар бор. Шу маънода, "Ҳаж-2023" ташкилотчилари ва ишчи гуруҳ аъзолари ана шундай улуг даражаларни мақсад қилиб, Раҳмоннинг меҳмонларига сидқидилдан хизмат кўрсатмоқдалар. Хусусан, "Ҳаж-2023" делегацияси, ишчи гуруҳлар, элликбошилар доимо ҳожиларнинг ёнида, шифокорлар соғлиқларидан хабардор бўлиб турибди. Ошпазлар эса ибодатга қувват бўладиган миллий таомлардан тайёрлаб бераптилар.

Уламоларимиз, ақли илмлар ва элликбошилар зиёратчилар билан доимий суҳбатлар ўтказиб, ибодатларини чиройли адо этишларида яқиндан кўмакчи бўлдилар. Ҳожиларга сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, уларни белгиланган манзилга кечиктирмасдан этказиб

қўйиш мақсадида автобуслар ҳам жалб этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу муборак заминда зиёратчиларимиз юксак эътибор ва давлатимиз кўмагини ҳар қадамда хис этмоқдалар. Улардан ҳар бирининг юз-кўзига сўзларида бу имконият-шароитлардан мамнунлик, шукроналикни яққол кўриш мумкин. Бўлгуси ҳожиларимиз муқаддас заминдаги ибодатлар чоғида жонажон юртимизга тинчлик-хотиржамлик, халқимизга фаровонлик ва дастурхонимизга тўкинлик тилаб дуолар қилмоқда.

